

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2022 №7

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент



Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе

редакционно-издательского отдела
Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском
управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом №
201/3 от 30 декабря 2013года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии

с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе
редакционно-издательского отдела ТМА.
100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА № 7, 2022

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

Члены редакционноого совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Исраилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабиров У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

EDITORIAL BOARD

Editor in chief

prof. A.K. Shadmanov

Deputy Chief Editor

prof. O.R. Teshaev

Responsible secretary

prof. F.Kh. Inoyatova

EDITORIAL TEAM

academician Alyavi A.L.

prof. Bilalov E.N.

prof. Gadaev A.G.

academician Karimov Sh.I.

prof. Komilov Kh. P.

academician Kurbanov R.D.

prof. Mavlyanov I.R.

academician Nazyrov F.G.

prof. Najmutdinova D.K.

prof. Salomova F.I.

academician Soatov T.C.

prof. Khodjibekov M.X.

prof. Shaykhova G.I.

prof. Jae Wook Choi

EDITORIAL COUNCIL

DSc. Abdullaeva R.M.

prof. Akilov F.O. (Tashkent)

prof. Allaeva M.D. (Tashkent)

prof. Akhmedov R.M. (Bukhara)

prof. Giyasov Z.A. (Tashkent)

prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)

prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)

prof. Kayumov U.K. (Tashkent)

prof. Israilov R.I. (Tashkent)

prof. Okhunov A.A. (Tashkent)

prof. Parpieva N.N. (Tashkent)

prof. Rakhimbaeva G.S. (Tashkent)

prof. Rizamukhamedova M.Z. (Tashkent)

prof. Sabirov U.Y. (Tashkent)

prof. Sabirova R.A. (Tashkent)

prof. Khalikov P.Kh. (Tashkent)

prof. Khamraev A.A. (Tashkent)

prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)

prof. Shagizatova B.X. (Tashkent)

Journal edited and printed in the computer of Tashkent
Medical Academy editorial department

Editorial board of Tashkent Medical Academy

Head of the department: M.N. Aslonov

Russian language editor: O.A. Kozlova

Uzbek language editor: M.G. Fayzieva

English language editor: A.X. Juraev

Corrector: Z.T. Alyusheva

Organizer: Tashkent Medical Academy

Publication registered in editorial and information
department of Tashkent city

Registered certificate 02-00128

Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30
of December 2013 in Medical Sciences department OF SUPREME

ATTESTATION COMMISSION

COMPLETED MANUSCRIPTS PLEASE SEND following address:

2-Farobiy street, 4 floor room 444. Administration building of TMA.
Tashkent. 100109, Toshkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh o'quv binosi,
4-qavat, 444-xona.

Contact number: 71- 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru. rio@tma.uz

Format 60x84 1/8. Usl. printer. l. 9.75.

Listening means «Cambria».

Circulation 150.

Negotiable price

Printed in TMA editorial and publisher department
risograph

2 Farobiy street, Tashkent, 100109.

СОДЕРЖАНИЕ

CONTENT

НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ	NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES	
Шадманов А.К., Халматова Б.Т., Саломова Ф.И., Ташматова Г.А. РОЛЬ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ ПРАКТИКИ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКОГО ВУЗА	Shadmanov A.K., Khalmatova B.T., Salomova F.I., Toshmatova G.A. THE ROLE OF INTERNSHIP IN PROFESSIONAL TRAINING OF MEDICAL STUDENTS	9
ОБЗОРЫ	REVIEWS	
Боймуродов Ш.А., Иминов К.О. ЭТИОПАТОГЕНЕЗ ТРАВМ ЭКСТРАОКУЛЯРНЫХ МЫШЦ ПРИ ПОВРЕЖДЕНИЯХ СКУЛООРБИТАЛЬНОГО КОМПЛЕКСА	Boymurodov Sh.A., Iminov K.O. ETIOPATHOGENESIS OF EXTRAOCULAR MUSCLES INJURY IN CASE OF INFLUENCE FACTORS OF DAMAGE TO THE ZYGOMATIC-ORBITAL COMPLEX	12
Каримова Н.С., Алимов Ж.М., Исроилов Б.С., Агзамов О.А., Цой М.А. ТЕНДЕНЦИЯ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ ОПУХОЛЯМИ ГОЛОВНОГО МОЗГА В МИРЕ И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	Karimova N.S., Alimov J.M., Isroilov B.S., Agzamov O.A., Tsoy M.A. THE TREND OF DISEASES FROM BRAIN TUMORS IN THE WORLD AND THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	16
Махмудов С.О., Махмудова М.О. СОВРЕМЕННЫЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЕ СИСТЕМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ: СТАНДАРТЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ	Mahmudov S.O., Mahmudova M.O. MODERN INTELLIGENT HEALTH SYSTEMS: STANDARDS AND RECOMMENDATIONS	20
Норов А.У., Убайдуллаев Э.А., Заремба А.Е., Марданов Ж.Ж. ХИРУРГИЧЕСКОЕ ВОССТАНОВЛЕНИЕ МОТОРНОЙ ФУНКЦИИ ЛИЦЕВОГО НЕРВА	Norov A.U., Ubaidullaev E.A., Zarembo A.E., Mardanov J.J. 22SURGICAL RESTORATION OF MOTOR FUNCTION OF THE FACIAL NERVE	25
Рахимов Ж.И., Сайдуллаев З.Я. ВАРИКОЦЕЛЕ: СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ	Raximov J.I., Saydullayev Z.Y. VARICOCELE: MODERN METHODS OF DIAGNOSIS AND TREATMENT	30
Саркисова Л.В., Негматуллаева М.Н. СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ ПРЕЖДЕВРЕМЕННЫХ РОДОВ	Sarkisova L.V., Negmatullaeva M.N. MODERN VIEW ON THE PROBLEM OF PRETERM BIRTH	34
Уринов А.М., Отожонов И.О., Ахмедова Д.Б. РОЛЬ ПРОБИОТИКОВ В ЛЕЧЕНИИ ЦИРРОЗА ПЕЧЕНИ	Urinov A.M., Otozhonov I.O., Akhmedova D.B. THE ROLE OF PROBIOTICS IN LIVER CIRRHOSIS	37
Шадманов А.К., Саломова Ф.И. COVID -19: ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШ ТАЖРИБАСИ ВА МУАММОЛАР	Shadmanov A.K., Salomova F.I. COVID-19: EXPERIENCE AND CHALLENGES IN FIGHTING CORONAVIRUS IN UZBEKISTAN	41
Шермухамедова Г.Т., Таджиева Н.У. КЛИНИКО-ПАТОГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИНФЕКЦИОННОГО МОНОНУКЛЕОЗА, ВЫЗВАННОГО ВИРУСОМ ЭПШТЕЙНА – БАРР	Shermukhamedova G.T., Tadjieva N.U. CLINICAL AND PATOGENETIC BASES OF INFECTIONUS MONONUCLEOSIS CAUSED BY EPSTEIN – BARR VIRUS	45
Юлдашов П.А., Сайинаев Ф.К. ОПЕРАЦИЯ ДАН КЕЙИНГИ ҚОРИН ЧУРРАЛАР: КЛАССИФИКАЦИЯ, ТАШХИС ВА ДАВО	Yuldashov P.A., Sayinaev F.K. INCISIONAL VENTRAL HERNIAS: CLASSIFICATION, DIAGNOSIS AND TREATMENT	47
Юсупов А.Ф., Каримова М.Х., Джамалова Ш.А., Очиллова Н.Н. ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ТУФАЙЛИ КЎРЛИК ВА КЎРИШНИНГ БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ	Yusupov A.F., Karimova M.Kh., Jamalova Sh.A., Ochilova N.N. DISABILITY OWING TO A DIABETIC RETINOPATHY, WAYS OF PREVENTION	53
Янгиева Н.Р., Муханов Ш.А., Мубаракова К.А., Гиясова А.О. ПРИМЕНЕНИЕ ЛАЗЕРНОГО ЛЕЧЕНИЯ ПРИ ДИАБЕТИЧЕСКОМ МАКУЛЯРНОМ ОТЕКЕ	Yangieva N.R., Giyasova A.O., Mukhanov Sh.A., Mubarakova K.A. THE USE OF LASER TREATMENT IN DIABETIC MACULAR EDEMA	56
КЛИНИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА	CLINICAL MEDICINE	
Арзиев И.А., Рахманов К.Э., Абдурахманов Д.Ш., Назаров З.Н. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ЖЕЛЧНОГО ПЕРИТОНИТА ПРИ ЖЕЛЧНОКАМЕННОЙ БОЛЕЗНИ	Arziev I.A., Rakhmanov K.E., Abdurakhmanov D.Sh., Nazarov Z.N. IMPROVING THE SURGICAL TREATMENT OF BILE PERITONITIS IN CHOLELITHIASIS	62

COVID-19: ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШ ТАЖРИБАСИ ВА МУАММОЛАР

Шадманов А.К., Саломова Ф.И.

COVID-19: ОПЫТ И ПРОБЛЕМЫ В БОРЬБЕ С КОРОНАВИРУСОМ В УЗБЕКИСТАНЕ

Шадманов А.К., Саломова Ф.И.

COVID-19: EXPERIENCE AND CHALLENGES IN FIGHTING CORONAVIRUS IN UZBEKISTAN

Shadmanov A.K., Salomova F.I.

Тошкент тиббиёт академияси

Пандемия COVID-19 остается одной из самых острых проблем, вызывающих обеспокоенность медицинских работников во всем мире. В настоящее время страны борются с пандемией коронавируса продолжается. В Узбекистане с начала пандемии по настоящее время проделана большая работа по предотвращению негативных последствий пандемии коронавируса, обеспечению санитарно-эпидемиологической стабильности в республике, охране здоровья населения.

Ключевые слова: SARS-CoV-2, COVID-19, эпидемиология, вакцинация.

The COVID-19 pandemic has caused great concern around the world and remains one of the most pressing public health concerns. Currently, countries around the world continue to fight the coronavirus pandemic. The article contains information on the work done in Uzbekistan, from the beginning of the pandemic to the present, to prevent the negative consequences of the coronavirus pandemic, ensure sanitary and epidemiological stability in the republic, and protect public health.

Key words: SARS-CoV-2, COVID-19, epidemiology, vaccination.

2020 йилнинг 11 март куни ЖССТ томонидан дунёда коронавирус (SARS-CoV-2, COVID-19) пандемияси бошлангани расман эълон қилинган эди. Пандемия бошлангандан буён, 2022 йилнинг 08 октябр ҳолатига қўра, дунёнинг 191 (220) давлатида жами коронавирусга чалинганлар сони 629 412 292 нафарни ташкил этди, улардан 605 981 351 нафари соғайган, 6 560 484 нафар бемор вафот этган. Охирги сутка ичида +19071 янги касаллик ҳолати қайд этилиб, +29 нафар беморлар ушбу касалликдан вафот этди [3].

Ҳозирда коронавирус инфекциясига чалинганлар сони бўйича АҚШ (98 549 246), Ҳиндистон (44 612 013), Франция (35 823 627), Бразилия (34 762 860), Германия (33 948 632), Жанубий Корея (24 970 789), Буюк Британия (23 735 273), Италия (22 781 293), Япония (21 516 523) ва Россия (21 184 513) каби давлатлар етакчилик қилмоқда.

2022 йилнинг 15 март куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ер юзидаги эпидемиологик вазият бўйича навбатдаги таҳлилий ҳисоботини эълон қилди [4]. Унда қайд этилишича, март ойининг биринчи ҳафтасида дунё бўйича короновирусга чалиниш кўрсаткичлари 8 фоизга ўсган. Яъни 7-13 март саналарида жами 11,4 миллиондан зиёд киши бу хавфли инфекцияни юқтириб олган. Дунё давлатларида жами короновирусга чалинганлар сони 462 226 539 нафарни ташкил этиб, улардан 395 422 773 нафари соғайган, 6 075 115 нафар бемор вафот этган. 14 март куни +693431 янги касаллик ҳолати қайд этилиб, +1 859 нафар беморлар ушбу касалликдан вафот этган. COVID-19 инфекцияси билан касалланганлар сони бўйича АҚШ (81 244 936), Ҳиндистон (42 998 938), Бразилия (29 432 274), Франция (23 649 615), Буюк Британия (19 820 181), Германия (17 567 738), Россия (17 449 438), Туркия (14 600 683),

Италия (13 489 319) ва Испания (11 260 040) каби давлатлар етакчилик қилган.

Таскин берадиган жиҳати эса COVID-19дан ўлим даражаси пасайишда давом этмоқда. Масалан, март ойининг биринчи ҳафтасида касаллик асоратлари туфайли қарийб 44 минг бемор ҳаётдан кўз юмган. Бу 28 февраль - 6 март саналарига қиёслаганда 17 фоиз кам кўрсаткичдир. Коронавирусни юқтириш билан боғлиқ сезиларли ўсиш динамикаси Тинч океанининг ғарбий минтақаси мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган 29 фоиз! Африка қитъасида бу кўрсаткич 30 фоиз, Европада эса 2 фоизга етган. Қолган минтақаларда касалланишлар сони камайди. Айниқса, Шарқий Ўрта Ер денгизи минтақаси давлатларида сезиларли пасайиш қайд этилган 24 фоиз. Ўлим ҳолатлари эса Ғарбий Тинч океани минтақаси мамлакатларида 12 фоизга ошди. Шарқий Ўрта Ер денгизи минтақаси давлатларида аксинча 49 фоиз, Африкада 41 фоиз камайиш қайд этилди. Бу кўрсаткич Европада 23 фоиз, Жанубий ва Шимолий Америкада 15 фоизни ташкил этди. Ўтган ҳафтада коронавирус ташхиси қўйилган энг кўп бемор Корея Республикасида рўйхатга олинган — 2,1 миллион нафар. Иккинчи ўринни 1,7 миллионга яқин кўрсаткич билан Вьетнам давлати банд этди. Германия эса учинчи ўринда — мамлакатда 1,3 миллиондан зиёд одам короновирусни юқтирган. Тўртинчи ўринни 476 мингга яқин ҳолат билан Нидерландия, бешинчи поғонани эса 419 мингдан ортиқ бемор билан Франция эгаллади. Жаҳонда COVID-19дан ўлим кўрсаткичларининг катта қисми АҚШда қайд этилди — 9 минг нафар. Иккинчи ўринда — Россия. Мамлакатда ҳафта давомида 4,5 мингдан зиёд бемор хасталикдан вафот этди. Бразилияда эса бу кўрсаткич 3,3 минг нафарни ташкил этди. Шу билан бирга,

Индонезияда қарийб 2 минг нафар ҳамда Хитойда 1,9 минг нафар бемор коронавирус қурбонига айланди. Бу таҳлиллар, дунёда пандемия ҳали чекинмаётгани, бироқ унинг асоратлари тобора кучсизланиб бораётганини англатади [4].

Афсуски, ушбу офат бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Шу вазиятда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган оқилона давлат сиёсати натижасида пандемиянинг оғир даври катта иқтисодий-ижтимоий йўқотишларсиз ўтказилди.

Пандемиянинг биринчи кунидан бошлаб давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда COVID-19 нинг тарқалишини олдини олиш ва унинг мамлакат иқтисодиётига таъсири юмшатишга қаратилган 10 дан ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди [1].

Жумладан,

"Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсири юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон;

"Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон;

"Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши;

Вазирлар Маҳкамасининг "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Коронавирус инфекциясини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича захира мутахассисларни тайёрлаш тўғрисида"ги буйруғи;

"Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган COVID-19 бўйича миллий қўлланмани тиббиёт амалиётига жорий этилишини янада жадаллаштириш ҳақида"ги буйруғлари республикамизда коронавирус инфекциясининг тарқалишини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни самарали ташкил этишга ёрдам берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги "Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида"ги Ф-5537-сонли фармойиши асосида коронавирус инфекциясини юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, қулай санитария-эпидемиологик муҳитни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида Республика махсус комиссияси ташкил этилди.

Коронавирус пандемияси салбий оқибатларини олдини олиш, республикада санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

I. Пандемия эрта босқичларида амалга оширилган ишлар: республика бўйлаб кучайтирилган карантин чекловлари жорий этилди; мактабгача, умумтаълим ҳамда олий таълим муассасалари фаолияти масофавий тарзда олиб борилди; халқаро ҳамда маҳаллий авиа ва темир йўл қатновлари фаолияти тўтатилди; республика ҳудудига кириб келган, шунингдек, коронавирус аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлганлар 14 кун давомида карантин марказларида бўлди; барча оммавий (спорт, маданий) тадбирлар, тўй маросимлари тўтатилди; санитар-карантин пунктлари фаолияти кучайтирилди; ҳар бир ҳудудда мослаштирилган карантин зоналари ташкил этилди ва ҳориждаги фуқароларимиз чартер рейслар билан республикага олиб келиниб, карантин зоналарида 14 кун давомида карантинга олинди. Уларнинг барчасидан лаборатор таҳлиллар олиниб, касаллик аниқланганлар махсус шифохоналарга даволанишга юборилди; махсус ковид-поликлиникалар, мобил бригадалар, 1003- Call-center лар ташкил этилди; шу билан бир қаторда, қисқа муддатда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида 22 минг ўринли "Карантин маркази" янгидан барпо этилди. Шунингдек, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жами 7 085 ўринли карантин марказлари қурилиб битказилди.

II. Пандемия даврида тиббиёт муассасаларига 2020 йилда 3 та МСКТ, 56 та рентген, 2303 та функционал кроват, 1 минг 450 та СИПАП, 3 минг 300 та кислород концентратор, 2040 та ИВЛ, 55 та ПЗР, 12,5 мингта кардиомонитор, шунингдек, бюджет ҳисобидан 72 млрд сўмлик 500 та ИВЛ, 90 та кардиомонитор, 10 та ПЗР аппарати ва бошқа жиҳозлар етказиб берилди. Шунингдек, мурувват ёрдами орқали 1 минг 512 та болалар СИПАПи, 300 та ИВЛ, 2 минг 507 та кислород концентратори ва бошқа жиҳозлар етказиб берилди.

Беморларга жойида сифатли лаборатор хизматни ташкил қилиш мақсадида 11 турдаги анализаторлар ва сарфлов воситалари билан бирга ҳарид қилинди. Хусусан, 10 та биохимик анализатор, 10 та иммунофермент анализатор, 10 та гематологик анализатор, 30 та қонни қуюлувчанлик кўрсаткичлари анализатори, 20 та яримавтоматик коагулометр ва бошқа анализаторлар келтирилиб, тақсимотга асосан жойларга етказиб берилди.

Бундан ташқари, Хитойнинг "Хенан Костар" компанияси билан тузилган шартномага асосан 20 та гематологик аппарати, 17 та рақамли портатив рентген аппарати, 1000 та кислород концентратори, 200 та кардиомонитор, 206 та шприци насос, 8400 та пульсоксиметр келтирилиб, ҳудудий тиббий муассасаларга етказилди.

III. Дори-дармон таъминоти бўйича амалга оширилган ишлар:

Коронавирус касаллигини олдини олиш ва инфекция аниқланган беморларни ўз вақтида даволаш мақсадида инқирозга қарши кураш жамғармасидан зарур маблағлар ажратилиб, энг зарур бўлган

49 турдаги дори воситалари заҳираси яратилди ва узлуксиз равишда жойларга етказиб берилди.

Коронавирусни даволашда энг юқори самарага эга бўлган Фавипиравир ҳамда Ремдесевир дори воситалари, ПЦР-тестлар, индивидуал ҳимоя воситалари, дезинфекцион моддалар ишлаб чиқарилиши маҳаллийлаштирилди.

800 мингга яқин тўплам дори қутилари (COVID-BOX, аптечкалар) ҳудудларга етказиб берилди.

IV. Тиббиёт ходимларини рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4652-сон қарори бўйича тиббиёт, ва бошқа ходимларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўшимча маблағлар тўлаб берилиши белгиланган. Мазкур қарор асосида врач ходимларга, врач-лаборантларга — 25 млн сўм; ўрта тиббиёт ходимлари, ҳамшира-лаборантларга — 15 млн сўм; кичик тиббиёт ходимларига — 10 млн сўм; бошқа ходимларга — 5 млн сўм маблағлар тўлаб берилди. Ҳозирда тиббиёт ходимларига 14 кунлик фаолияти учун тўланадиган махсус тўловлар тўлаш муддатини 30 кунга узайтириш орқали бюджет маблағларини тежашга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги ПФ-6032-сон ва 2020 йил 27 августдаги ПФ-6052-сон Фармонлари асосида Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган 300 нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари Давлат мукофотлари билан тақдирланди.

V. Шифохоналарда даволаш ишларини амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар:

Коронавирус инфекцияси пандемиясининг юқори чўққиси даврида республикамизда жами 159 та муассасада 25 минг 200 та шифо ўринлари, шу жумладан 2 минг 500 та реанимацион ўринлар ташкил этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қисқа муддатларда Тошкент вилояти Зангиота туманида Коронавирус беморларини даволаш учун 3600 ўринли махсус шифохона қуриб битказилди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, фойданишга топширилди.

Ҳудди шундай махсус шифохоналар Нукус, Самарқанд шаҳарлари ҳамда Термиз ва Поп туманларида барпо этилди. Бундан ташқари, қўшимча равишда 58 та саралаш-тақсимлаш марказларида 15 мингга ўрин, шу жумладан 1225 та реанимация ўринлари ташкил этилди.

Бугунги кунга қадар коронавирус беморларини даволаш ишларига Хитой, Россия, Корея, Туркия ва Германия давлатларидан келган 140 дан ортиқ мутахассислар иштирок этишди.

Ўзбекистонда бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолияти шундай ташкил этилдики, бунда тиббий ёрдамга муҳтож бўлган ҳар бир киши тиббий ходимни уйига чақириб, уйда барча тиббий муолажаларни амалга оширилди. Агар коронавирუსга шубҳа қилинган беморни касалхонага ётқизиш за-

рурияти бўлса, махсус гуруҳ чақирилиб, бемор госпитализация қилинди ва бепул даволанди.

Ҳозирги кунда пандемия шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида жорий этилган карантин чекловлари юмшатилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолияти тўлиқ тикланди. Шу билан бирга, олий таълим соҳасидан ташқари мактабгача, умумтаълим муассасалар фаолияти босқич-ма-босқич йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамда маҳаллий авиа ва темир йўл қатновлари йўлга қўйилди, шунингдек, кўнгилочар объектлар ва диний ташкилотлар фаолияти, тўй маросимларига (иштирокчилар сони ва ўтказиш вақтини чегарланган ҳолда) рухсат берилди. Аммо ҳозирги кунда аҳолининг маълум контингенти ўртасида карантин талабаларига эътиборсизлик кузатишмоқда, яъни тиббий ниқобсиз юриш ёки ниқобни тўғри тақмаслик ҳолатлари, тўй-ҳашамларда, турли тадбирларда иштирокчилар сонининг кўплиги, зарурат бўлмаганда ҳам жамоа бўлиб йиғилиш, натижада ижтимоий масофага риоя этмаслик ҳолатлари ва бошқалар.

Жорий йилда ҳам коронавирუს пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш долзарб аҳамият касб этди. Коронавирүсга қарши курашиш соҳасидаги тиббий-илмий изланишлар натижаларига ва олимларнинг фикрига кўра, аҳолини коронавирүсга қарши оммавий эмлаш инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда пандемияни жиловлашнинг энг самарали усулидир. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини коронавирүсга қарши эмлаш тадбирларини самарали ташкил этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди ва давом эттирилмоқда [1].

Аҳолини оммавий эмлаш мақсадида дунёнинг 13 та фармацевтика компанияси ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан коронавирүсга қарши вакциналарни тезкор етказиб бериш юзасидан музокаралар олиб борилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Хитой Халқ Республикаси Фан ва техника вазирлиги ўртасида йўлга қўйилган илмий-техник ҳамкорлик бўйича қуйи кўмита фаолияти доирасида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Хитой Фанлар академияси Микробиология институти ва ушбу мамлакатнинг «Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co., Ltd» компанияси билан ҳамкорликда коронавирүсга қарши янги рекомбинант вакцинаси яратиш борасида ҳамкорлик қилинди.

«Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co., Ltd» компанияси коронавирүсга қарши вакцинани яратишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси ва саъй-ҳаракатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасини «ZF 2001» вакцинасини бирга яратган ҳаммуаллиф давлат сифатида белгилаганлиги ҳамда ушбу янги вакцинани «ZF-UZ-VAC 2001» номи билан биргаликда ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишга келишилди.

Ўзбекистон Республикаси GAVI (Вакциналар ва иммунизация бўйича глобал альянс) ташкило-

тининг COVAX (коронавирусуга қарши эмлаш механизми) фондига аъзо давлатлар қаторига киради. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан COVAX фонди ҳисобидан мамлакатимиз аҳолисини коронавирусуга қарши эмлаш бўйича етарли миқдорда вакцина етказиб бериш юзасидан буюртма тайёрланиб, GAVI ташкилотига тақдим этилди.

Эмланиши лозим бўлган шахсларнинг электрон рўйхатини шакллантирилди, 3 138 та эмлаш пункти, 862 та ҳаракатдаги ва мобиль бригадалар фаолиятини йўлга қўйилди, мавжуд 1 та марказий, 14 та ҳудудий ҳамда 206 та туман (шаҳар) вакцина сақлаш омборхоналарини, улардаги 457 та совуткич, 148 та электр генератор, 121 та термосумка ва термоконтейнерни шай ҳолатига келтирилди.

Ўзбекистонда эмлаш ишлари 2021 йилнинг 06 апрелидан бошланди. COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши эмлаш тадбирлари учун 2022 йилнинг 05 октябрь ҳолатига республикамизга етти турдаги 71,9 млн доза вакцина олиб келинди ва ишлаб чиқарилди. Ҳозирги кунда республикамизда жами эмланувчилар сони 21 455 214 нафар кишини ташкил этади. Уларнинг 92,2 фоизи 7 номдаги (AstraZeneca, ZF-UZ-VAC 2001, Sputnik V, Moderna, Pfizer-BioNTec, Sinovac ва Sputnik light) вакциналаридан фойдаланиб эмланди [1].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, асосан 18 ёшдан юқори аҳоли эмланиши белгиланган. Ўзбекистонда бу ёшдаги аҳоли 21,5 млн. нафарни ташкил этади. Бугунги кунга қадар 69,7 млн доза вакцина қўлланилди: I доза – 21,2 млн. нафар (режага нисбатан – 98,6 фоиз); II доза – 18,1 млн. нафар; III доза – 10,8 млн. нафар. Шунингдек: тўлиқ вакцина курсини олганлар – 17,1 млн нафар (режага нисбатан – 79,9 фоиз); бустер доза олганлар – 16,5 млн нафар (режага нисбатан – 77,1 фоиз); ревакцинация – 3,1 млн нафарни ташкил этди. Шу жумладан вакциналар кесимида: ZF-UZ-VAC 2001 (Хитой-Ўзбекистон) – 46,6 млн доза; Moderna (АҚШ) – 10,6 млн. доза; Pfizer-BioNTech (АҚШ) – 6,3 млн. доза; AstraZeneca (Буюк Британия) – 2,6 млн. доза; Sinovac (Хитой) – 1,9 млн. доза; Спутник V (Россия) – 1,3 млн. доза; Спутник light (Россия) – 345 минг доза вакцина қўлланилди. Жами қўлланилган вакцинада ZF-UZ-VAC 2001 – 66,8%, Moderna – 15,3%, Pfizer-BioNTec – 9,1%, AstraZeneca – 3,7 %, Sinovac – 2,7 %, Sputnik V – 1,9 %ни ва Sputnik light – 0,5 %ни ташкил этди. Санитария-эпидемиология хизматининг вакцина сақлаш омборхоналарида 2,0 млн доза вакцина захираси мавжуд, жумладан ZF-UZ-VAC 2001 – 1,5 млн доза ва Pfizer-BioNTech – 500 минг доза.

2022 йилнинг 08 октябр ҳолатига кўра, Республикаимизда эса жами касалланганлар сони 244 296 нафарни, соғайганлар 241 486 нафарни, вафот этганлар эса 1 637 нафар кишини ташкил эт-

моқда. Ўтказилган тестлар 1 377 915 та бўлиб, 1 млн аҳолига 40 077 ни ташкил этади [2].

Ушбу рақамларни бошқа мамлакатларники билан солиштирганда, инфекцияни юқтирганлар сони ва ўлим даражаси анча пастлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида қабул қилинган тезкор ва самарали қарорлар, шунингдек, инфекция тарқалишининг олдини олиш ҳамда назорат қилиш бўйича олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижаси эканлигини ҳамда республикамиз фуқароларининг соғлиғини ҳимоя қилиш учун соғлиқни сақлаш тизими ходимлари томонидан барча имкониятни ишга солинганлигидан далолат беради.

Бунинг натижасида вируснинг тарқалишини жиловлаш, шунингдек, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий, жумладан аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламлари учун оқибатларни юмшатишга эришилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, мамлакатимизда жуда катта куч сарфлаб, кўп саъй-ҳаракатлар, халқимизнинг кўмаги, сабр-тоқати билан бу офат жиловлаб турилди.

Аҳоли ўртасида касалликни камайтириш учун манбани эрта аниқлаш, яъни юқори нафас йўллари яллиғланиш аломатлари (иситма, йўтал, грипп) бўлганлар тестни эрта топшириш ва касаллик оғирлигига қараб касалхонага ётқизиш, эҳтиёт чораларини кўриш (тиббий ниқоб тақиш, нафас олиш ва қўл гигиенаси, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш), ижтимоий масофани сақлаш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ва эмлаш бўйича тадбирларни (бустер дозаларини олиш) талаб даражасида бажариш лозим.

Ҳозир дунё бўйлаб касалланиш ва ўлим ҳолатлари камайиб бораётган бўлсада, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) раҳбари маълумотида кўра, пандемия ҳали тугамади.

Адабиётлар рўйхати билан таҳририятда танишиш мумкин

COVID -19: ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШ ТАЖРИБАСИ ВА МУАММОЛАР

Шадманов А.Қ., Саломова Ф.И.

COVID -19 пандемияси бутун дунёни катта ташвишга солган ва аҳоли саломатлиги учун хавотир уйғотаётган долзарб муаммоларидан бирилигича қолмоқда. Ҳозирда дунё давлатлари коронавирус пандемияси билан курашишни давом эттирмоқда. Мақолада коронавирус пандемия бошланганидан ҳозирги кунгача Ўзбекистонда коронавирус пандемияси салбий оқибатларини олдини олиш, республикада санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: SARS-CoV-2, COVID-19, эпидемиология, эмлаш.

